

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИРРИГАЦИЯ ВА СУВ МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

БАЛЛИЕВ АЖИНИЯЗ ИБРАГИМОВИЧ

**ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ШАРОИТИДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ СУВ ОҚИМЛАРИ ВА СУВ ОМБОРЛАРИНИНГ
ГИДРОЛОГИК ВА ГИДРОКИМЁВИЙ ҲОЛАТИ
(ЖАНУБИЙ ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИ МИСОЛИДА)**

11.00.03-Қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**География фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по географическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
geographical sciences**

Баллиев Ажинияз Ибрагимович

Иқлим ўзгариши шароитида Қорақалпоғистон Республикаси сув оқимлари ва
сув омборларининг гидрологик ва гидрохимёвий ҳолати
(Жанубий Оролбўйи минтақаси мисолида)3

Баллиев Ажинияз Ибрагимович

Гидрологическое и гидрохимическое состояние водотоков и водоёмов
Республики Каракалпакстан в условиях изменения климата
(на примере Южного Приаралья)21

BALLIEYV AJINIYAZ BRAGIMOVISH

Hydrological and hydrochemical state of watercourses and reservoirs of the
Republic of Karakalpakstan in the context of climate change (on the example of
the southern Aral Sea region).....39

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....43

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИРРИГАЦИЯ ВА СУВ МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

БАЛЛИЕВ АЖИНИЯЗ ИБРАГИМОВИЧ

**ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ШАРОИТИДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ СУВ ОҚИМЛАРИ ВА СУВ ОМБОРЛАРИНИНГ
ГИДРОЛОГИК ВА ГИДРОКИМЁВИЙ ҲОЛАТИ
(ЖАНУБИЙ ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИ МИСОЛИДА)**

11.00.03-Қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

География фанлари бўйича фалсафа доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.3. PhD/Gr258 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.nigmi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Чембарисов Эльмир Исмаилович
география фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мурадов Шухрат Одилевич
техника фанлари доктори, профессор

Тилляходжаева Зухра Джахангировна
география фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон миллий университети

Диссертация ҳимояси Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «_16_» _май_ соат _14⁰⁰_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100052, Тошкент ш., Бодомзор йўли 1-тор кўчаси, 72. Тел.: (+998)712358512, факс: (+998)712371319. E-mail: info@nigmi.uz).

Диссертация билан Гидрометеорология илмий-тадқиқот институтининг Илмий-техникавий кутубхонасида танишиш мумкин (№_227_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100052, Тошкент ш., Бодомзор йўли 1-тор кўчаси, 72. Тел.: (+998)712358512, факс: (+998)712371319.

Диссертация автореферати 2025 йил «_29_» _апрель_ куни тарқатилди.

(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Б.М.Холматжанов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, г.ф.д., профессор

Б.Э.Нишонов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
г.ф.н., катта илмий ходим

Х.Т. Эгамбердиев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, г.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда содир бўлаётган иқлим ўзгариши табиий муҳитга, айниқса худудлардаги сув ресурсларининг миқдори ва сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Сув ресурсларининг ифлосланишига қарши курашишнинг яқуни сифатида БМТ «2030 йилга бориб кимёвий моддалар таъсири, ҳаво, сув ва тупроқнинг ифлосланиши ва заҳарланиши натижасида ўлим ва касалликлар сонини сезиларли даражада камайтириш зарурлигини таъкидлайди»¹. Ушбу муаммони тадқиқ қилишда, айниқса, иқлим шароитининг ўзгариши шароитида кўриб чиқилаётган худуддаги мавжуд сув омборлари ва сув оқимларининг гидрологик ва гидрокимёвий ҳолатини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда турли мамлакатларда иқлим ўзгаришини баҳолаш, унинг ер усти сув ресурслари миқдори ва сифатига таъсири ҳамда сув ресурсларининг кўп йиллик ўзгаришларини аниқлашга йўналтирилган илмий тадқиқотларга устувор аҳамият берилмоқда. Шунингдек, сув танқислиги кучайиб бораётган шароитда дарёлар, коллекторлар, кўллар, сув омборларининг замонавий гидрокимёвий ва гидробиологик ҳолатини баҳолаш, улар ифлосланишининг худудий ва вақт давомида ўзгаришларини аниқлаш долзарб ҳисобланади.

Республикамизда мавжуд ер усти сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, хавфсиз гидроэкологик муҳитни яратиш ва атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда ва бу борада сезиларли ижобий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон-2030 стратегиясида "узоқ муддатга мўлжалланган республиканинг сув ресурслари балансини ишлаб чиқиш ва унинг устидан доимий мониторинг ўрнатиш тизимини жорий қилиш"² вазифаси белгилаб берилган. Бу борада Жанубий Оролбўйида сув таъминотини яхшилаш учун сув балансини ишлаб чиқиш, шунингдек, коллекторлар ва сув омборларининг гидрологик ва гидрокимёвий ҳолатини баҳолашга қаратилган илмий тадқиқотлар муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон «Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон «Ўзбекистон-2030 стратегияси тўғрисида» ги Фармонлари ҳамда 2022 йил 27 сентябрдаги ПҚ-381-сон «Оролбўйи ҳавзасида сув ресурсларини иқлим ўзгаришига мос ҳолда бошқариш» лойиҳасини Осиё тараққиёт банки иштирокида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2023 йил 1 апрелдаги ПҚ-107-сон «Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда

¹ 2030 йилгача Барқарор ривожланиш мақсадлар, Sustainable Development Goals// High-level Meeting on Financing the 20230 Agenda for Sustainable Development// <https://www.un.org/sustainabledevelopment>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг, 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон-2030 стратегияси тўғрисида» ги ПФ-158-сон Фармони

мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Арид зоналардаги сув объектларининг гидрологик ва гидрокимё хусусиятлари ҳақидаги асосий қонунлар ва назарий қоидалар хорижий олимлар D.W.Blinn, J.Friedrich, H.Oberhansli, D.A.Boggs, J.Eliot, B.Knott, F.Conte, P.Conte, A.J.Ginzburg, A.G.Kostianoy, N.A.Sheremet, D.A.Hodson, W. Vyweman, K.Sable, K.Kashima, H.Matsubana, C.Kurcuodlu, P.Micklin ва бошқаларнинг ишларида ўрганилган, улар турли кўллар, шу жумладан Орол денгизи ҳолатини ўрганиш жараёнига, шунингдек, ер усти сувларининг гидрологик ва гидрокимёвий ҳолатига сезиларли ҳисса қўшганлар.

Собиқ Иттифоқ ва МДХ мамлакатлари олимлари Орол муаммоси билан 1908-1940 йиллардан бошлаб доимий шуғулланиб келмоқдалар, жумладан, Л.С.Берг, В.Л.Шульц, М.М.Рогов, Л.К.Блинов, К.Г.Лазарев, О.А.Алекин, П.О.Завьялов, А.М.Гареев каби олимларнинг тадқиқотлари Орол денгизи ҳавзасидаги, жумладан Жанубий Оролбўйидаги турли сув объектларининг турли хил гидрологик ва гидрокимё хусусиятларини ўрганишга бағишланган. Шунингдек, олимлар томонидан Амударёнинг қуйи оқими ва Орол денгизи ҳудудининг табиий-географик тадқиқотлари ўтказилган, Амударёнинг ўзи ва турли сув ҳавзаларининг турли йиллардаги гидрологик ва гидрокимёвий хусусиятлари тавсифланган.

Ўзбекистонда ушбу муаммолар бўйича А.А.Рафиқов, Ф.Э.Рубинова, В.Е.Чуб, М.А.Якубов, В.А.Духовный, Е.К.Курбанбаев, Э.И.Чембарисов, Ф.Х.Хикматов, В.А.Рафиқов, Б.Е.Аденбаев, А.Ж.Жакъпова, С.Е.Курбанбаев, С.В.Мягков, Р.Т.Хожамуратова ва бошқалар томонидан тадқиқотлар олиб борилган. Ушбу тадқиқотларда Орол денгизи муаммоси ва Амударё қуйи оқимининг ҳолати, Жанубий Оролбўйининг табиий-мелиоратив шароити, 1975-2000 йилларда Амударё узунлиги бўйлаб сув сарфи ва минераллашувининг кўп йиллик ўзгариши, қуйи оқимнинг сув билан таъминланганлик ҳолати ёритилган.

Ушбу ишларда, сув объектларининг замонавий, айниқса сўнгги ўн йил давомидаги гидрологик ва гидрокимё режими масалалари кам ёритилган. Мазкур тадқиқот Амударё дарёси, йирик каналлар, магистрал коллекторлар, табиий кўллар, кичик локал сув ҳавзалари, Орол денгизининг ҳозирги гидрологик ва гидрокимёвий ҳолатини ўрганиш, шунингдек, кўриб чиқилган сув объектларининг иқлим ўзгариши шароитида ифлосланишини баҳолаш масалаларига бағишланганлиги билан юқоридаги ишлардан фарқ қилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан

боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети илмий-тадқиқот режасининг ІЛ-632204180 «Орол денгизининг қуриб бораётган тубидаги тупроқ хусусиятларини яхшилаш ва яйлов ва тузга чидамли экинларни етиштиришда коллектор-дренаж сувларидан фойдаланиш» (2022-2023 йй.) амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади иқлим ўзгариши шароитида Жанубий Оролбўйи сув объектларининг замонавий гидрологик ва гидрокимёвий ҳолатини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

2009-2023 йилларда Амударё дарёси ва суғориш каналларининг замонавий гидрологик ва гидрокимёвий тавсифларини аниқлаш, йил сувлигининг сув минерализациясига таъсирини баҳолаш;

Амударё қуйи оқимидаги магистрал коллекторлар ва кичик локал қўллар учун бош ионлар таркибининг дарё сувининг минерализация миқдорида математик боғлиқлигини аниқлаш;

магистрал коллекторларнинг гидрологик ва гидрокимёвий тавсифларини ўрганиш ҳамда йилнинг сувлигини ҳисобга олган ҳолда коллекторлар сув сифатини ирригация мақсадларида фойдаланиш учун баҳолаш;

Жанубий Оролбўйи сув объектларининг гидрологик, гидрокимёвий ҳолати ва ифлосланиш даражасини умумлаштирилган баҳолаш ва 1960-1990 йиллар шароитларини таққослаган ҳолда ГАТ-хариталарни тузиш;

Амударёнинг қуйи оқимида сув объектларининг гидроэкологик ҳолатини комплекс баҳолаш ва сувнинг ифлосланиш даражасини камайтириш ва ер усти сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Жанубий Оролбўйи сув объектлари, Амударё дарёси, йирик каналлар, магистрал коллекторлар ва қўллар олинган.

Тадқиқотнинг предмети иқлим ўзгариши шароитида Жанубий Оролбўйи сув объектларининг замонавий гидрологик, гидрокимёвий ҳолати ва ифлосланиш даражасини ўрганиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда гидрологик ва гидрокимёвий ҳисоблаш ва баҳолаш усуллари, жумладан, сув-туз баланси, математик статистик, картографик усуллар, гидрологик умумлаштириш, шунингдек, ер усти сувларининг гидрологик ва ва гидрокимёвий сифатини кўп блокли схема кўринишида баҳолашнинг умумлаштирилган усуллари ва амалиётда энг кўп қўлланиладиган формулалар бўйича суғориш учун сув сифатини баҳолаш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Амударё дарёси ва суғориш каналларининг 2009-2023 йиллар учун замонавий гидрологик ва гидрокимёвий тавсифлари аниқланган, йил сувлигининг сув минерализациясига таъсири баҳоланган;

Амударёнинг қуйи оқимидаги магистрал коллекторлар ва кичик маҳаллий қўллар сувидаги бош ионлар миқдорининг минерализацияга боғлиқлиги аниқланган;

магистрал коллекторларнинг гидрологик ва гидрохимёвий кўрсаткичлари (сув сарфи, минерализация, кимёвий таркиби, режими) аниқланган, йилнинг сувлигини ҳисобга олган ҳолда ирригация мақсадлари учун улардаги сув сифати баҳоланган ҳамда ГАТ-хариталари тузилган;

Жанубий Оролбўйи сув объектларининг гидрологик, гидрохимёвий ҳолати ва ифлосланиш даражаси уларнинг 1960-1990 йиллардаги ҳолати билан қиёслаш асосида умумлаштириб баҳоланган ва ГАТ-хариталари тузилган;

Амударёнинг қуйи оқимида сув объектларининг гидроэкологик ҳолатини комплекс баҳолаш, сувнинг ифлосланиш даражасини камайтириш ҳамда ер усти сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида сўнгги 50 йилда ўртача йиллик ҳаво ҳароратининг 2,6 °C га ва 2009-2013 ва 2019-2023 йилларда 0,4 °C ва 0,9 °C га ортганлиги аниқланган;

2009-2023 йиллар давомида Амударё дарёси қуйи оқими, суғориш каналлари ва магистрал коллекторлар сувларининг сарфи ва минераллашувининг замонавий ҳолатининг гидрологик ва гидрохимёвий хусусиятлари аниқланган;

Амударё қуйи оқими, магистрал коллекторлар ва кичик локал кўллар учун бош ионлар таркиби ва минерализациянинг ўзаро боғлиқлик тенгламалари (72 та) тузилган;

кўлларнинг тўйиниш типлари, коллектор оқими ҳажмларининг тақсимланиши ва Амударё дарёси, суғориш каналлари ва сақланиб қолган кўлларнинг ифлосланиш даражаси бўйича ГАТ хариталари яратилган;

Жанубий Оролбўйи сув объектларининг замонавий гидрологик, гидрохимёвий ҳолати ва ифлосланиш даражасини 1960-1990 йиллардаги шароитларни таққослашини ҳисобга олган ҳолда умумлаштирилган баҳоси тузилган;

Жанубий Оролбўйи сув объектларининг гидроэкологик ҳолатини комплекс баҳолаш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Жанубий Оролбўйи ва қуриб бораётган Орол денгизи сув объектларининг гидрологик, гидрохимёвий ҳолати ва ифлосланиш даражасини ўрганишда Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлиги (Ўзгидромет), Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси мелиоратив экспедициясининг материалларидан, мавжуд метеорология станциялари маълумотларидан, муаллифнинг дала тадқиқотлари материалларидан фойдаланилганлиги, шунингдек, бошланғич материалларни қайта ишлашда ва умумлаштиришда умум қабул қилинган усулларни қўлланилганлиги, шунингдек, ушбу фан соҳасидаги бошқа муаллифлар тадқиқотлари натижаларига мувофиқлиги ва тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, унда олинган илмий хулосалардан, хусусан сув объектларининг гидроэкологик ҳолатини баҳолашнинг муаллиф томонидан қўлланилган комплекс усулидан бошқа ҳудудлардаги турли сув объектларининг гидрологик ва гидрокимёвий ҳолатини тадқиқ этишда, иқлим ўзгариши шароитида дарёлар, коллекторлар, қўллар ва сув омборларининг ифлосланиш даражасини баҳолашда фойдаланиш имкониятлари мавжудлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, тадқиқот жараёнида олинган асосий хулосалар ва тавсиялардан Жанубий Оролбўйи сув объектларининг гидрологик ва гидрокимёвий ҳолатига боғлиқ равишда улар сув ресурсларидан суғориш, балиқчилик, туристик йўналишлари учун фойдаланишни асослаш ҳамда иқлим ўзгариши шароитида турли сув объектларининг ифлосланиш даражасини баҳолашда илмий ёндашувларни қўллашда фойдаланиш имконияти билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Иқлим ўзгариши шароитида Қорақалпоғистон Республикасининг Жанубий Оролбўйи мисолида сув оқимлари ва сув омборларининг гидрологик ва гидрокимёвий хусусиятларини баҳолашда олинган илмий натижалар асосида:

Амударё дарёси ва суғориш каналларининг 2009-2023 йиллар учун аниқланган замонавий гидрологик ва гидрокимёвий тавсифлари, йил сувлигининг сув минерализациясига таъсирини баҳолаш натижасида олинган ўзгаришлари Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигида дарё сув сарфи ва сифати тавсифларининг кўп йиллик ўзгаришларини таҳлил қилишда жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 5 декабрдаги 03/09-3-493-сон маълумотномаси). Натижада, Амударё дарёси ва суғориш каналлари оқимининг гидрологик ва гидрокимёвий кўрсаткичларини турли хил сувлилик йилларда аниқлаш имконияти яратилган;

Амударёнинг қуйи оқимидаги магистрал коллекторлар ва кичик маҳаллий қўллар сувидаги бош ионлар миқдорининг минерализациясига боғлиқлиги аниқланган математик ифодалар Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигида магистрал коллекторлар ва қўллар сувининг типини аниқлашда жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 5 декабрдаги №03/09-3-493-сон маълумотномаси). Натижада боғланишларнинг математик ифодаларидан фойдаланиб дарё ва коллектор сувлари минерализацияси асосида сув объектлари ион таркибини прогностлаш имкониятлари яратилган;

магистрал коллекторларнинг аниқланган гидрологик ва гидрокимёвий кўрсаткичлари (сув сарфи, минерализация, кимёвий таркиби, режими), йилнинг сувлигини ҳисобга олган ҳолда сув сифатини ирригация мақсадлари учун баҳолаш натижалари ҳамда тузилган ГАТ-хариталари Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигида коллекторлар сувидан самарали фойдаланишни режалаштиришда жорий этилган

(Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 5 декабрдаги №03/09-3-493-сон маълумотномаси). Натижада мавжуд ер усти сув ресурсларидан коллектор ва дренаж сувларини аралаштиришни ҳисобга олган ҳолда самарали фойдаланиш имконияти яратилган;

Жанубий Оролбўйи сув объектларининг гидрологик, гидрокимёвий ҳолати ва ифлосланиш даражасини уларнинг 1960-1990 йиллардаги ҳолати билан қиёслаш асосида умумлаштириб тузилган ГАТ-хариталари Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигида ушбу сув объектларининг замонавий гидрологик ва гидрокимёвий ҳолатини таҳлил қилишда жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 5 декабрдаги №03/09-3-493-сон маълумотномаси). Натижада Амударё делтасида сақланиб қолган кўллар куриб кетишининг олдини олиш мақсадида уларни комплекс гидрологик ва гидрокимёвий мониторинг қилиш имконияти яратилган;

Амударёнинг куйи оқимида сув объектларининг гидроэкологик ҳолатини комплекс баҳолаш, сувнинг ифлосланиш даражасини камайтириш ҳамда ер усти сув ресурсларидан оқилona фойдаланиш бўйича ишлаб чиқилган амалий тавсиялар Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигида сув ресурсларидан фойдаланишни режалаштиришда жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 5 декабрдаги №03/09-3-493-сон маълумотномаси). Натижада Жанубий Оролбўйи ҳудудида ер усти сув ресурсларининг ифлосланишини камайтириш ҳамда сувдан ичимлик, қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш, балиқчилик мақсадларида фойдаланиш бўйича чора-тадбирларни янада самарали амалга ошириш имкониятлари яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 26 та халқаро ва 1 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 35 та илмий ишлар, шу жумладан, 1та монография (ҳаммуаллифликда), Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий журналларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 121 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, ишнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, объекти ва предметлари келтирилган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот

натижаларининг амалиётда жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг ишининг **“Жанубий Оролбўйи сув оқимлари ва сув омборларининг замонавий гидрологик ва гидрокимёвий ҳолатини баҳолашда методик ёндашувларнинг мазмуни”** деб номланган **биринчи бобида** сув оқимлари ва сув омборларининг гидрологик ва гидрокимёвий режимлари турли хил ҳисоб-китобларни амалга оширишда, турли хил математик боғлиқликлари ва графикларни тузишда, уларни таҳлил қилишда, ифлосланишнинг ГАТ хариталарини тузишда Марказий Осиё ва МДХда таниқли олимлар О.А.Алекин, А.Л.Шульц, В.А.Духовний, Й.Курбанбаев, Ф.Э.Рубинова, Ф.Х.Хикматов, М.А.Якубов, С.В.Мягков, Ш.О.Муродов, Э.И.Чембарисов, Б.Е.Аденбаев, Г.Х.Юнусов, Р.Т.Хожмуратова, Б.Э.Нишонов ва бошқалар томонидан тавсия этилган турли хил услубий ёндашувлар таҳлил қилинган.

Кўп сонли халқаро ва республика ташкилотлари томонидан ўтказилган турли конференцияларда 2000-2010 йиллар давомида Марказий Осиёда (шу жумладан Қорақалпоғистон Республикасида) ҳаво ҳароратининг юқори бўлганлиги бир неча бор қайд этилган.

Сўнги йилларда Ўзбекистоннинг турли ҳудудлари бўйича метеорологик маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш бўйича М.Л.Арушанов, Б.М.Холматжанов, Х.Т.Эгамбердиев, Б.С.Тлеумуратовалар томонидан тадқиқотлар олиб борилган ва олиб борилмоқда. Шунингдек, В.А.Духовний, Г.В.Стулина, Н.В.Мягкова ва бошқалар тадқиқотларида ҳам ҳаво ҳароратининг ортиб бораётганлиги тасдиқланган. Юқоридагиларга қўшимча равишда муаллиф томонидан 2009-2023 йилларда Тахиатош, Тахтақўпир, Нукус, Қўнғирот, Чимбой, Мўйноқ метеорология станцияларида ҳаво ҳароратининг ўзгариши таҳлил қилинган. 2009-2013 йиллар ва 2019-2023 йиллар бўйича ҳисоб-китоблар кўрсатишича, шу даврларда ўртача йиллик ҳаво ҳароратини 0,4-0,9 °С га кўтарилиши кузатилган бўлса, сўнги эллик йил ичида (1971-2022 йилларда) Чимбой метеостанциясида йиллик ўртача ҳаво ҳарорати эсса 2,6 °Сга кўтарилган.


Диссертациянинг **«Амударё ва йирик суғориш каналларининг замонавий гидрологик ва гидрокимёвий хусусиятлари»** деб номланган **иккинчи бобида** 2009-2023 йиллар давомида Туямўйин ва Қипчоқ гидрологик постларида ўртача йиллик сув сарфи ($Q_{\text{ўр.й}}$, м³/с) ва минерализация миқдори (ионлар йиғиндиси) ($\sum U_{\text{ўр.й}}$, мг/л) нинг йилнинг сувлиликка боғлиқ равишда ўзгариши таҳлил қилинган. Туямўйин, Қипчоқ, Саманбай ва Қизилжар постлари учун 2018-2022 йилларда сув сарфининг ўртача суткалик ҳажмларига ($Q_{\text{ўр.к}}$) минераллашув миқдорлари ($M_{\text{ўр.к}}$) нинг боғлиқлиги графиклари тузилган, ушбу икки кўрсаткичнинг боғлиқлик тенгламалари олинган:

$$\begin{array}{ll} \text{а) } \sum U_{\text{ўр.к}} = 0,001Q_{\text{ўр.к}}^2 - 1,88Q_{\text{ўр.к}} + 1606, & \text{б) } \sum U_{\text{ўр.к}} = 0,9123Q_{\text{ўр.к}}^2 + 1315,9, \\ \text{в) } \sum U_{\text{ўр.к}} = 10892Q_{\text{ўр.к}}^{0,021}, & \text{г) } \sum U_{\text{ўр.к}} = 12,627Q_{\text{ўр.к}}^2. \end{array}$$

2009-2023 йиллардаги Амударё дарёсининг сувлилик Керки гидрологик пости гидрологик маълумотлари бўйича аниқланган. Бунда кўп

сувли йиллар - 2010, 2017, 2012 ва 2015 йиллар, ўртача сувли йиллар - 2017, 2019, 2023 йиллар ва кам сувли йиллар - 2011, 2012, 2014, 2016, 2018, 2021, 2022 йиллар бўлганлиги аниқланган.

Туямўйин (а), Қипчоқ (б) гидропостларида 2009-2023 йиллар давомида Амударё дарёси ўртача кўп йиллик ўртача ойлик оқимлари ва сув минерализациясининг йил давомида тақсимланиши таҳлили шуни кўрсатдики, оқим миқдори сезиларли даражада ортиши билан унинг минерализацияси камаяди (1-расм).



1-расм. Амударёнинг 2009-2023 йиллардаги ўртача кўп йиллик ўртача ойлик оқими ва сув минерализациясининг йиллараро тақсимланиши:
а) Туямўйин, б) Қипчоқ постлари.

Туямўйин, Қипчоқ, Саманбай, Қизилжар гидропостлари учун асосий ионлар (HCO_3^- , SO_4^{2-} , Cl^- , Ca^{2+} , Mg^{2+} , Na^+) миқдорининг минерализация миқдорига (M, мг/л) математик боғлиқлари (24 та тенглама) таҳлил қилинди (1-жадвал) ва барча тенграмалар бўйича прогноз ҳисоб-китоблар амалга оширилди.

Дарё узунлиги бўйлаб сувнинг асосий кимёвий таркиби гидрокарбонат-сульфат-кальций-натрийли (ГС-КН) дан хлоридли-сульфат-магний-кальций-натрийли (ХС-МКН) гача ўзгаради.

1-жадвал


Амударёнинг қуйи оқимидаги гидрологик постларда асосий ионлар миқдорининг сув минерализацияси миқдорига (мг/л) боғлиқлик тенграмалари

Гидропост	Анионлар	R^2	Катионлар	R^2
Туямўйин	$\text{SO}_4^{2-} = 0,2457M + 84,718$	0,868	$\text{Na}^+ = 0,0315M + 92,871$	0,496
	$\text{Cl}^- = 0,0992M + 44,756$	0,942	$\text{Ca}^{2+} = 0,0654M + 41,652$	0,623
	$\text{HCO}_3^- = 0,1005M + 83,139$	0,945	$\text{Mg}^{2+} = 0,0363M + 1,0871$	0,965
Қипчоқ	$\text{SO}_4^{2-} = 0,4924M - 99,94$	0,992	$\text{Na}^+ = 0,1431M + 22,071$	0,739
	$\text{Cl}^- = 0,1753M - 14,738$	0,99	$\text{Ca}^{2+} = 0,0829M + 0,7$	0,92
	$\text{HCO}_3^- = 0,036M + 112,02$	0,307	$\text{Mg}^{2+} = 0,0693M + 19,771$	0,751

Тадқиқотда кўриб чиқилган Суенли, Кегейли, Дўстлик каналларида минерализация қиймати одатда Амударёга қараганда 0,08-0,1 г/л га юқори (2022 йилда 1,37-1,38 г/л га етган), кимёвий таркибида хлорид-сульфат-кальций-магний-натрийли (ХС-КМН) тип устунлик қилади.

Амударёнинг келажаги барча мамлакатлар (Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон, Афғонистон) учун мавжуд бўлган сув ресурсларининг ўзгаришига, шунингдек, улар эҳтиёжининг ўсишига боғлиқ. Давлатлараро мувофиқлаштирувчи сув хўжалиги комиссиясининг Илмий-ахборот маркази маълумотларига кўра келгусида Афғонистон томонидан Амударёдан 6 км³ гача сув олиш мўлжалланган.

Диссертациянинг «**2009-2023-йилларда Жанубий Оролбўйидаги магистрал коллекторлар ва сақланиб қолган кўллар**» деб номланган **учинчи бобида** амалий ҳисоб-китобларда фойдаланиш учун коллектор-дренаж оқими умумий ҳажмининг ($W_{к-д-о}$, км³) 2009-2023 йилларда умуман республика бўйлаб суғоришга берилган сув ҳажмидан ўзгаришининг боғлиқлиги олинган, суғориш учун сув олишнинг маълум ҳажми бўлганда, коллектор-дренаж оқимининг келажақдаги ҳажми ҳақида хулоса қилиш мумкин (2-расм). Тадқиқот давомида 2019-2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасининг коллектор-дренаж сув ҳажми, минерализация миқдори ва кимёвий таркибининг маъмурий туманлар бўйича тақсимланиши ГАТ харитаси тузилган. Бу коллектор-дренаж оқим ҳажми энг кам ва энг кўп бўлган туманларнинг жойлашувини аниқлаш имконини берди.




2-расм. 2009-2023 йилларда умуман республика бўйича коллектор-дренаж оқими ($W_{к-д-о}$, км³) ҳажмининг суғориш учун сув олиш ҳажмига боғлиқлиги ($W_{суғ.олинган}$, км³).

Шунингдек, "Кўп сувли ва кам сувли йилларда коллектор-дренаж сув ҳажми ва минерализацияси миқдорининг тақсимланиш" ГАТ-хариталари тузилган бўлиб, ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, кўп сувли йилларда коллектор-дренаж сув ҳажми кам сувли йилларга нисбатан бироз юқори ($W_{к-д-о}=2,53$ км³ ва $W_{к-д-о}=1,45$ км³), минерализация миқдори эса кўп сувли йилларда кам сувли йилларга нисбатан бироз паст ($M=3,29$ г/л ва $M=3,93$ г/л) (3-расм).

Тўртта - КС-1, КС-3, КС-4 ва ККС магистрал коллекторлари гидрокимёвий режими тавсия этилган (Чембарисов, 1988; Шодиев, 2022) турлар бўйича 2009-2013 йиллар, 2014-2018 йиллар, 2019-2023 йиллар ва умуман 2009-2023 йиллар учун алоҳида даврлар бўйича ўрганилди ва КС-4 коллекторида гидрокимёвий режимнинг I тури кузатилиб, сув сарфи ортиши билан минерализация миқдори бироз камайиши аниқланди; КС-1 коллекторида асосан гидрокимёвий режимнинг III тури кузатилганлиги, ўртача ойлик сув сарфи сезиларли ортиши билан минерализация миқдори унча


Ўзгармаслиги аниқланди; КС-3 коллекторида II ва III турлардан иборат IV мураккаб гидрокимё режим тури кузатилади; ККС коллекторида асосан III тур гидрокимё режими кузатилади.

Ўрганилган кўллар экотизимларининг жойлашуви ва уларнинг таъминланиш турлари ГАТ-харитаси тузилган бўлиб, унда турли чизиқлар билан дарё суви (Дарёоралиқ, Мўйнок, Балиқчи, Довуткўл), коллектор суви (Судочье), аралаш сув (Жилтирбас ва Ақчақўл, Қоратерен(шарқий) билан таъминланадиган кўллар турли штрихлар билан кўрсатилган.



3-расм. 2019-2023-йилларда Қорақалпоғистон Республикасининг маъмурий туманларида коллектор-дренаж сувларининг ҳажми (W , км³), минерализацияси (M , г/л) ва кимёвий таркибининг ҳудудий тақсимланиш харитаси.

Юқорида санаб ўтилган кўлларда 2009-2013 й., 2014-2018 й., 2019-2023 й., 2009-2023 й. учун минерализация миқдорининг йил давомида ўзгариш графиклари тузилди (4-расм).



4-расм. 2009-2013, 2014-2018, 2019-2023 ва 2009-2023 йиллар давомида минерализация миқдорининг йил ичидаги ўзгариши: а) Ақчақўл, б) Судочье кўли.

Ақчақўл кўлида ўртача кўп йиллик минерализация миқдори ёз ойларида ортади, бу коллектор оқимининг ортиши билан белгиланади. Орол денгизи қуриб боришига боғлиқ, Катта Оролнинг ғарбий қисмида сув

минерализацияси 130-250 г/л гача ортган, Ғарбий Оролда эса унинг ҳажми камайиб бормоқда - 0,5 км³, Шимолий Оролда - 19,7 км³ (2023 йил). Магистрал коллекторлар ва кичик локал кўллار учун асосий ионлар (НСО₃⁻, SO₄²⁻, СГ⁻, Ca²⁺, Mg²⁺, Na⁺) миқдорининг минерализация (М) миқдorigа боғлиқлиги таҳлил қилинди ва улар боғлиқлигининг 48 та тенгламалари олинди (2-жадвал). Тенгламалар асосида прогноз ҳисоб-китоблар амалга оширилди.

2-жадвал

Магистрал коллекторлар ва кичик локал сув омборларида асосий ионлар миқдорининг сув минераллашуви миқдorigа (мг/л) боғлиқлик тенгламалари

объект номи	Анионлар	R ²	Катионлар	R ²
ККС	SO ₄ ²⁻ =0,2068M+662,37	0,45	Na ⁺ =0,1157M+204,81	0,50
	СГ ⁻ =0,2044M+14,186	0,93	Ca ²⁺ =0,0574M+125,23	0,51
	НСО ₃ ⁻ =0,0575M+95,558	0,40	Mg ²⁺ =0,0305M+16,219	0,36
Дарёоралик	SO ₄ ²⁻ = 0,3849M + 87,217	0,47	Na ⁺ = 0,1648M - 41,27	0,37
	СГ ⁻ = 0,1918M - 3,3254	0,29	Ca ²⁺ = -0,081M + 266,97	0,05
	НСО ₃ ⁻ =0,0477M + 89,488	0,01	Mg ²⁺ = 0,0733M - 44,158	0,20

Келтирилган тенгламалар бўйича коллекторлардаги маълум миқдордаги сув минерализацияси (М, мг/л) асосида алоҳида ионлар (НСО₃⁻, SO₄²⁻, СГ⁻, Ca²⁺, Mg²⁺, Na⁺- мг/л) миқдорини аниқлаш мумкин. Ирригация мақсадлари учун коллектор сувининг сифати М.Ф.Буданов, Е.Н.Гапон (SAR), А.М.Можейко и Т.К. Воротник, И.Сабољч, Данеен (США) формулалари бўйича баҳоланган. Қуйидаги омилларни ҳисобга олувчи формулалар танлаб олинди: 1) суғориладиган тупроқнинг шўрланиш хавфи; 2) натрийли шўрхокланиш хавфи; 3) магнийли шўрхокланиш хавфи; 4) хлоридли шўрланиш хавфи. Ушбу формулалар ва уларни қўллаш шартлари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Ирригация учун коллектор суви сифатини эмпирик формулалар бўйича умумий баҳолаш


Кўлланиладиган формулалар	М.Ф.Буданов бўйича	Е.Н.Гапон бўйича	А.М.Можейко ва Воротник бўйича	И.Сабољч бўйича	Данеен (АҚШ). қулланмаси
	$K_1 = \frac{M}{Ca^{2+} + Mg^{2+}} \cdot 0,03$	$K_2 = SAR = \frac{Na^+}{\sqrt{Ca^{2+} + Mg^{2+}}}$	$K_3 = \frac{Na^+ + Mg^{2+} + Ca^{2+}}{Ca^{2+} + Mg^{2+}}$	$K_4 = \frac{Mg^{2+}}{Ca^{2+} + Mg^{2+}} \cdot 100\%$	$K_5 = \frac{2СГ + SO_4^{2-}}{2}$
Суғориш учун яроқлилик	K < 4 яроқли	K < 10 шўрхокланиш бўйича хавфли эмас	K > 4 шўрланганлиги хавфли эмас	K > 50 магнийнинг тузсизланиши пайдо бўлади	K > 20 суғориш мумкин эмас
Кoeffициентларнинг ҳисобланган қийматлари K ₁ -K ₅					
Коллекторлар номи	K ₁	K ₂	K ₃	K ₄	K ₅
КС-1	4,52	11,05	2,29	47,45	54,54
КС-3	5,60	14,07	2,74	54,81	51,07
КС-4	4,35	8,02	2,14	36,21	33,28
ККС	4,60	11,38	2,34	52,48	55,27

Баҳолаш натижаларига кўра, кўриб чиқиладиган коллекторларнинг сувини суғориш суви билан аралаштирмасдан (аралаштирилган сувнинг минерализацияси 3 г/л дан ошмаган ҳолда) суғориш учун фойдаланиш тавсия

этилмайди, чунки бу ҳолда суғориладиган тупроқларнинг натрий ва магнийли шўрхокланиши, шунингдек, хлоридли шўрланиши хавфи мавжуд.

Кўплаб муаллифларнинг дала тадқиқотлари шуни кўрсатадики, минерализацияси 3,1-3,2 г/л гача бўлган коллектор сувларидан жуда кам сувли йилларда чекланган ҳажмда фойдаланиш мумкин. Ушбу хулоса 2022-2023 йилларда муаллиф иштирокида олиб борилган дала тадқиқотлари билан тасдиқланган.

Диссертациянинг ишининг «Иқлим ўзгариши шароитида Жанубий Оролбўйи сув оқимлари ва сув омборларининг ифлосланиши ва уларнинг замонавий гидрологик ва гидрокимёвий ҳолатини баҳолаш» деб номланган тўртинчи бобида кўриб чиқилган Амударё дарёси, каналлар ва кўллардаги сувнинг ифлосланиши бўйича ГАТ-хариталари тузилди (5-расм).



5-расм. Ҷўрганилаётган кўллар экотизимларининг ифлосланиш харитаси

Барча сув объектларида қуйидаги ингредиентлар (ККИ, КБИ₅, NH₄⁺, NO₂⁻, Cl⁻, SO₄²⁻, Fe³⁺) билан ифлосланиши кузатилган, уларнинг миқдори йилларнинг сувлиликка қараб рухсат этилган миқдор (РЭМ) дан 1,2-2,7 мартага ортган. Жанубий Оролбўйи сув объектларининг гидрологик ва гидрокимёвий ҳолати тўғрисида умумлаштирилган маълумотлар 2009-2023 йиллар учун берилган маълумотлар асосида 1960-1990 йиллардаги ҳолатни таққослаган ҳолда жадвал шаклида тузилди, бунда Амударё дарёси, каналлар ва коллекторларнинг ҳолати жуда ўзгармаган (4-жадвал). Турли ҳудудлардаги "сув объектларининг гидроэкологик ҳолатини баҳолашнинг комплекс усули" кўп блокли схемаси ишлаб чиқилди. Амударё дарёси ва ер усти сув ресурслари ифлосланишини камайтириш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича тавсиялар таклиф этилди: сув сифатини турли постларда ва унинг турли

қисмларидаги ифлосланиш манбаларини мониторинг қилиш миллий тизимларини такомиллаштириш; сувни тежайдиган суғориш технологиялари шаклланадиган ва жорий этиладиган жойларда коллектор-дренаж сувларидан тўлароқ фойдаланиш ҳисобига дарёга сув оқимини камайтириш; саноат корхоналарида ёпиқ сув таъминоти тизимларини яратиш; Амударё дарёси

4-жадвал

2009-2023 йилларда Жанубий Оролбўйи сув оқимлари ва сув омборларининг умумлаштирилган гидрологик ва гидрокимёвий тавсифлари

Сув оқимлари ва сув омборлари	Гидрологик тавсифлар ва таъминланиш манбаи	Гидрокимёвий тавсифлари
Амударё дарёси, Саманбай гидрологик пости	Ўртача йиллик сув сарфи: 15 м ³ /с (2018) дан 534 м ³ /с (2010) гача.	Минерализациянинг ўртача йиллик миқдори(М _{уйМ}): 0,946 мг/л дан 1,099 г/л гача. Кимёвий таркиб (КТ): ГХС-МКН - ХС-КМН. Ифлослангирувчи ингредиентлар (ИИ): Mg ²⁺ , Cu ²⁺ , SO ₄ ²⁻ , минерализация(М).
Суғориш каналлари: Суенли Кегейли Дўстлик (Қизкеткен) Қууаниш-жарма	Ўртача йиллик сув сарфи, м ³ /с: 22,1 - 28,8 27,9 - 50,1 59,5 - 108 26,0 - 50,8	(М _{уйМ}): 1,03 г/л дан - 1,53 г/л гача. (КТ): ГХС-КМН дан - ХС-КМН гача. (ИИ)- Амударё дарёсининг ифлосланишига ўхшаш.
Магистрал коллекторлар: КС-1 КС-3 КС-4 ККС	Ўртача йиллик сув сарфи, м ³ /с: 3,9 - 10,9 1,9 - 9,2 1,7 - 4,7 4,5 - 16,7	(М _{уйМ}) ва (КТ): 2,62 г/л дан 4,03 г/л гача; ХС-КМН - ХС-МН 2,60 г/л дан 4,55 г/л гача; ХС-КМНМ - ХС-МН 2,57 г/л дан 3,17 г/л гача; ХС-КНМ - ХС-МН 2,77 г/л дан 3,91 г/л гача; ХС-КНМ - ХС-КМН (ИИ): NH ₄ ⁺ , NO ₂ ⁻ , NO ₃ ⁻ , фосфатлар, нефть маҳсулотлари
Сув омборлари ва сақланиб қолган қўллар: Ақчақўл Қоратерен (шарқий)	Сақланиб қолган қўлларнинг умумий майдони 50-60 минг гектар	(М _{уйМ}) ва (КТ): 2,61 г/л дан 3,14 г/л гача; ХС-КМ - ХС-КНМ. 2,40 г/л дан 3,23 г/л гача; ХС-КМН - ХС-КМН. (ИИ): ККИ, КБИ ₅ , NH ₄ ⁺ , NO ₂ ⁻ , Cl ⁻ , SO ₄ ²⁻ , (М).
Маҳаллий кичик қўллар Дарёоралиқ сув омбори	Сувнинг юза қисми (СЮҚ)-57,0 м, майдони (F)-267,4 км ² , ҳажми (W)- 421,2 млн. м ³ , таъминланиш манбаи - Амударё дарёси	(М _{уйМ}) ва (КТ): 1,56 г/л дан 2,12 г/л гача; ХС-МК - ХС-КМН. (ИИ): Mg ²⁺ , Cl ⁻ , SO ₄ ²⁻ , (М).
Муйнок сув омбори	СЮҚ -52,5 м, F-97,4 км ² , W-162,2 млн. м ³ , таъминланиш манбаи – Муйнок канали	(М _{уйМ}) ва (КТ): 1,91 г/л дан 3,47 г/л гача; ХС-МК – ХС-КМН. (ИИ): ККИ, КБИ ₅ , NH ₄ ⁺ , NO ₂ ⁻ , Cl ⁻ , SO ₄ ²⁻ , (М).
Балиқчи сув омбори (Сарибас кўрфази)	СЮҚ -52,5 м, F-62,4 км ² , W-134,2 млн. м ³ , таъминланиш манбаи – Порлотов канали	(М _{уйМ}) ва (КТ): 1,89 г/л дан 3,47 г/л гача; ХС-НМК - ХС-КМН. (ИИ): ККИ, КБИ ₅ , NH ₄ ⁺ , NO ₂ ⁻ , Cl ⁻ , SO ₄ ²⁻ , (М).
Жилтирбас кўли	СЮҚ -52,0 м, F-353,0 км ² , W-372,4 млн. м ³ , таъминланиш манбаи – коллектор (КС-1) и дарё суви (Казахдарья канали).	(М _{уйМ}) ва (КТ): 2, 67 г/л дан 4,36 г/л гача; ХС-НМК – ХС-МН. (ИИ): ККИ, КБИ ₅ , NH ₄ ⁺ , NO ₂ ⁻ , Cl ⁻ , SO ₄ ²⁻ , (М).
Судочье кўли	СЮҚ -52,3 м, F-350 км ² , W-750 млн. м ³ , таъминланиш манбаи – ККС и Кўнғирот коллекторлари	(М _{уйМ}) ва (КТ): 2,96 г/л дан 3,57 г/л гача; ХС-КМН –ХС-КНМ. (ИИ): ККИ, КБИ ₅ ,NH ₄ ⁺ , NO ₂ ⁻ , Cl ⁻ , SO ₄ ²⁻ , (М).
